



ЖАММИЯТ

№ 14 (984)
2026 йил
30 апрель,
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий, экологик газет

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган



RES 2026
REGIONAL ECOLOGICAL SUMMIT

Остонада Президент Шавкат Мирзиёев иштирокида тадбирлар бўлиб ўтди;

Шавкат Мирзиёев долзарб экологик масалалар бўйича бир қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди;

Биохилма-хилликни асраш борасидаги ҳамкорлик бўйича Минтақавий декларация имзоланди;

ШХТ ва БМТ Атроф-муҳит дастури ўртасида экологик ҳамкорлик бўйича қўшма ҳаракатлар режаси қабул қилинди;

Шавкат Мирзиёев Халқаро Оролни кутқариш жамғармаси президенти этиб сайланди;

Ўзбекистоннинг циркуляр иқтисодиёт соҳасидаги тажрибаси юқори баҳоланди;

Марказий Осиёда барқарор инфратузилманинг устувор йўналишлари муҳокама қилинди.

КОСАМИЗ «ОҚАРАДИГАН» КЎРИНАДИ

Луқма

Тўйлар мавзуси яна эскирди. Яқиндагина тўй-маросимларни ихчамлаштириш масаласи яна Ҳукумат даражасида кўриладиган бўлгани, Маромийлик гуруҳи тузилгани ҳақида ҳаммамиз гапирган эдик. Лекин, бир жиҳати ғалати: қаранг, бу дабдаларни ўзимиз қиламиз, энди исрофгарчиликка йўл қўйилмайди, дейилса ҳам ўзимиз хурсанд бўламиз. Демак, энг катта нуқсонимизни тан олдик: биз бировлар учун, кўз-кўз учун, кибр учун яшаётган эканмиз. Ҳолбуки, шу нарсалар нима учун керак? Тўй қилиш учун умрини мардикорликда ўтказётган одамлар юртимизда минглаб, миллионлаб топилади.

Мен, масалан, улар орасида “ўғлим ёки кизимни ўқитиш учун ишляпман”, деган одамни кўрмадим. Аксарияти тўй қилман, қиз узатаман, ўғлимни уйлантиришим керак, дейди. Ва, энг ёмони, бели синар даражада, қарз олиб бўлса ҳам камида беш юз кишини чақириб тўй қилади. Шундай одамларнинг уйига борсанг, тайинли гилами йўқ, ҳожатхонаси абгор. Ҳаммомни гапирмаса ҳам бўлади. Ҳафтада бир гўшт ейилмайди, болалар нимжон, аёли касалманд.

Буларнинг бари йўқ обрў учун ўлиб тирилиш, гап сўздан қочиб, маҳаллада дув-дув гап қилишнинг касофатидан.

Кошки шу дабдалар бахтни кафолатласа, ажримларни камайтирса. Қайдам, йилдан-йилга ажрим кўпаймоқда, тирик етим болалар сафи кенгаймоқда. Тарбиянинг Т ҳарфини ҳам билмайдиган саводсиз авлод пайдо бўлмоқда.

Айтишларича, тўйларни меъёрдан ортиқ киши билан ўтказадиганларга жарима солинаркан. Менинг таклифим шундай: жарима миқдорини тушадиган тўёнадан ўн баравар кўп қилиб қўйиш керак. Чунки Худодан ҳам кўра жаримадан кўпроқ кўрқадиган айрим одамларни мана шу жазо усули дабдаладан қайтармаса, бошқа йўли йўқ.

Фотиҳа тўйи, чарлар, келин оши, куёв чақирик, ота юпатар, қиз базми, уч кундан ортиқ аза маросимларини эса бутунлай йўқотиш керак. Ана шундан кейин бу халқнинг косаси аниқ оқариб кетади.

Мақсуд ХОН





ShNT VA UNEP

Ўртасидаги экологик ҳамкорлик бўйича қўшма ҳаракатлар режаси қабул қилинди



Остона шаҳрида Минтақавий экологик саммит доирасида “ShNT ва UNEP ўртасидаги экологик ҳамкорлик: минтақанинг барқарор келажаги учун қўшма ҳаракатлар” мавзусида юқори даражадаги сессия ўтказилди. Ушбу тадбир Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ва БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш йўллари муҳокама қилиш учун муҳим майдон бўлди.



Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентининг экология масалалари бўйича маслаҳатчиси — Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раиси Азиз Абдуҳакимов иқлим ўзгариши, ерларнинг деградацияси, биохилма-хилликнинг йўқолиши, атроф-муҳит ифлосланиши ва сув ресурслари танқислиги янги воқеликни шакллантираётганини, бунда барқарор ривожланиш фақат минтақавий ва глобал даражада саъй-ҳаракатларни бирлаштириш орқали мумкинлигини таъкидлади.

Тадбирда Ўзбекистоннинг экологик сиёсати алоҳида эътибор қаратилди. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатда “яшил” трансформация бўйича комплекс стратегия амалга оширилмоқда. У барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва иқлим ўзгаришига мослашишга қаратилган. Асосий ташаббуслар қаторида “Яшил макон”, “Чиқиндидан холи ҳудуд”, “Экологик маданият”, “Био-

мерос” ва “Тоза ҳаво” лойиҳалари мавжуд бўлиб, улар кўкаламзорлаштириш, чиқиндилар билан ишлаш, экологик тарғибот, биохилма-хилликни сақлаш ва ҳаво сифатини яхшилаш каби йўналишларни камраб олади.

ShNTга аъзо давлатларнинг катта қисми глобал чанг-тўзонлар камарида жойлашгани сабабли чўлланиш, чанг ва кум бўронлари ҳамда трансчегаравий ҳаво ифлосланиши умумий минтақавий муаммога айлангани қайд этилди.

Шу муносабат билан ShNT ва UNEP ўртасидаги қўшма ҳаракатлар учун устувор йўналишлар таклиф этилди. Бу йўналишлар чанг ва кум бўронлари ҳамда ҳаво сифатининг ёмонлашуви бўйича эрта огоҳлантириш тизимларини ривожлантириш, ер деградациясига қарши курашишда ҳамкорликни кучайтириш, биохилма-хилликни сақлаш соҳасидаги шерикликни кенгайтириш ҳамда пластик ва хавфли чиқиндиларни бошқаришни ўз ичига олган ҳолда ифлосланиш-

ни камайтириш механизмларини камраб олади.

Шунингдек, экологик мониторинг самарадорлигини ошириш, салбий тенденцияларни ўз вақтида аниқлаш ва хавфларни аниқроқ прогноз қилиш учун сунъий интеллект ва сунъий йўлдош маълумотлари каби замонавий технологияларни жорий этиш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Иштирокчилар ShNTнинг минтақавий платформа сифатидаги салоҳияти ва UNEPнинг эксперт имкониятлари синергияси экологик ҳамкорликни янги сифат босқичига


олиб чиқишига ишонч билдирдилар.

Сессия якунида ShNT Котибяти ва ва UNEP ўртасидаги ўзаро англашув меморандуми ижросига оид тадбирлар режаси имзоланди. Ушбу ҳужжат ҳамкорликни янада чуқурлаштириш учун амалий восита бўлиб хизмат қилади.

Яқунда халқаро ҳамкорлар Ўзбекистонда ўтказиладиган йирик экологик тадбирларга, жумладан, Глобал экологик фонднинг VIII Ассамблеяси ва “Есо Expo Central Asia 2026” халқаро кўргазмасига таклиф қилинди.



Остонадаги Минтақавий экологик саммит доирасида Туркий давлатлар ташкилотига (ТДТ) аъзо мамлакатларнинг атроф-мухит ва экология масалалари учун масъул раҳбарларининг иккинчи учрашуви бўлиб ўтди. Йиғилиш иқлим ўзгариши билан боғлиқ таҳдидларга қарши курашиш, минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасида амалий ечимлар ишлаб чиқиш бўйича муҳим платформага айланди.



ТДТга аъзо давлатлар

ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРГА ҚАРШИ АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРМОҚДА

Мулоқотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг экология масалалари бўйича маслаҳатчиси — Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раиси Азиз Абдуҳақимов, Қозоғистон экология ва табиий ресурслар вазири Ерлан Нйсанбаев, Озарбайжон экология ва табиий ресурслар вазири ўринбосари Рауф Гажиёв, Қирғиз Республикаси табиий ресурслар, экология ва техник назорат вазири Ақил Токтобаев, Туркия атроф-мухит, урбанизация ва иқлим ўзгариши вазири ўринбосари Ҳасан Сувер, ТДТ бош қотиби Кубаничбек Омуралиев ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош қотиби Асад Мажид Хон иштирок этди.

Азиз Абдуҳақимов ўз нутқида бугунги экологик муаммолар — иқлим ўзгариши ва биохилма-хилликнинг камайиши каби масалалар давлат чегараларини тан олмаслиги ва мувофиқлаштирилган ҳамда амалий

чораларни талаб қилишини таъкидлади.

“Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган Туркий экологик кенгашни ташкил этиш ташаббуси алоҳида аҳамият касб этади. Биз бунда давлатларимиз саъй-ҳаракатларини бирлаштирувчи, тажриба алмашинувини йўлга қўювчи ва келишилган қарорлар ишлаб чиқишга хизмат қилувчи муҳим институционал механизм сифатида кўраимиз”, — деди у.


Шунингдек, Кенгаш хузурида ихтисослашган эксперт органи — илмий-техник тузилма ёки ишчи гуруҳ ташкил этиш таклифига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу тузилмани Нукус шаҳрида жойлаштириш режалаштирилмоқда. Ўзбекистон томони мазкур ташаббусни фаол илгари суришга, жумладан, Кенгашнинг дастлабки йиғилишларидан бирини айнан Нукусда ўтказишга тайёрлигини билдирди.

Бу ҳудуд Орол денгизи инқирози билан боғлиқ экологик муаммоларнинг кўламини яққол акс эттиради.

Таъкидланишича, учрашувни Нукусда ўтказиш иштирокчиларга Иқлим ўзгариши музейи экспозицияси билан танишиш имконини беради. Унда Орол фожиаси оқибатлари, шунингдек, экотизимларни тиклаш ва Оролбўйи аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар намоён этилган.

Учрашувда муҳокамалардан амалий ҳаракатларга ўтиш зарурлигини қайд этилди. Асосий устувор йўналишлар сифатида “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш, экологик тоза технологияларни жорий этиш, табиий экотизимларни тиклаш, ифлосланиш даражасини камайтириш ҳамда барқарор истеъмол моделлари илгари сурилди. Шунингдек, инвестициялар ва илғор ечимларни жалб қилиш мақсадида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Қайд этилишича, туркий давлатлар катта табиий ва илмий салоҳиятга эга бўлиб, биргаликда ҳаракат қилган ҳолда глобал иқлим кун тартибига ва барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга муносиб ҳисса қўша олади. Шу нуқтаи назардан ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, бирлик ва изчил ҳаракатлар муҳим аҳамият касб этади.



СУВ, ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК МУАММОЛАРИ ЎЗARO ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚ

Сув, айниқса ичимлик суви муаммоси бугун пайдо бўлган эмас. Бу ўта долзарб, таъбир жоиз бўлса, айтиш ўринлики, миллатлараро ва давлатлараро тинчликка раҳна солувчи омиллардан бири бўлган глобал масалалардандир. Айниқса, бугунги кунда сувнинг қадри ва аҳамияти янада ортиб бораётгани, бу кўпгина мамлакатлар каби бизнинг юртимизда ҳам стратегик муҳим аҳамият касб этмоқда. Яқин кўшнилари билан сувимиз бир. Мамлакатларимиз ҳудудларидан оқиб ўтувчи дарёларнинг асрлар давомида ўз йўналишида оқиб, ҳаммага етиб турган суви бугунги кунда халқларимиз тинчлигига раҳна солувчи дастаклардан бирига айланиб қолмоқда.

2019 йил апрель ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган муаммога оид конференцияда швейцариялик олим Доктор Томас Сакс маълумоти кўра, кейинги ўн йилликда Помир—Тяньшань тоғларидаги музликлар тезлик билан эриб бормоқда. Музликларнинг тезлик билан эриши натижасида маълум дарё ва кўллар сувининг ҳажмига ижобий таъсирини сезиш мумкин. Доктор Томас Сакс ўз маърузасида музликлар ҳақида кўпгина нотўғри маълумотлар қайд этилаётганини ачиниш билан сўзлайди ва Марказий Осиё музликларининг бугунги ҳолати ҳақидаги маълумотларнинг 40 фоизи ортиқча бўрттирилган эканлигини, аслида, бу музликларнинг ҳажми қутилганидан ҳам тезлик билан кичраиб бораётганлиги ҳақида гапирган эди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ва унга қўшни мамлакатларда сув масаласи ниҳоятда жиддий бўлиб, Амударё ва Сирдарё сувида Марказий Осиёдаги 75 миллиондан ошқоқроқ аҳолининг ҳаёт-мамот масаласи ётади. Ўз-ўзидан равшанки, шунча аҳолининг асосий қисми Ўзбекистонда яшашини эътиборга олиб, сувсизлик таҳдидларини тўғри ўрганиб, чучук сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, сув кам талаб қиладиган экинлар турини шакллантирган ҳолда,



замонавий технологияларга асосланиб, фермерларимизнинг ҳам билимини ошироқ — ҳаётий зарурат. Масалага жиддий қаралмаса, глобал исининг аянчли оқибатлари тез орада ўзи ҳақида маълум қилиши муқаррар.

Демак, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш бугунги кунимизнинг ва ҳар бир соғлом фикрлайдиган инсоннинг энг муҳим вазифаси бўлиб қолмоқда. Бу борада қандай ишларни амалга ошириш лозим?

Юртимизда тўрт фасл мужассам. Шундан уртаси ёғингарчиликларга бой эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Ушбу имкониятни қўлдан

бермаслик мақсадида қор ва ёмғир сувларини тўплаш, захира яратиш ва ундан самарали фойдаланиш орқали мамлакатимиз иқтисодиётига катта ҳисса қўшишимиз мумкин.

Масалан, Самарқанд шаҳридаги “Фарҳод” кўрғончаси каби кичик шаҳарча учун ёмғир ва қор сувларини тўплаш имкониятларини баҳолаб кўрайлик:

1. Асосий маълумотлар: Аҳоли сони- 6000 киши. Йиллик ёғингарчилик миқдори (Самарқанд): 350–400 мм (яъни 0.35–0.4 м). Тахминий майдон (1 киши = 100 м²): 600,000 м². Сув тўпланадиган майдон (20%): 120,000 м².

Тўпланиш коэффициентини (том, асфальт ва ҳ.к.): 0.8

Ҳисоблаш формуласи:

Сув миқдори = Ёғингарчилик × Майдон × Тўпланиш коэффициентини

Сув миқдори = 0.4м × 120,000 м² × 0.8 = 38,400 м³

3. Хулоса:

Шаҳарча йилига тахминан 38,400 м³ (яъни 38.4 миллион литр) ёмғир ва қор сувини тўплаши мумкин.

Худди шунингдек, Тошкент шаҳрида жойлашган 104 гектарлик Олимпия шаҳарчасидан йилига тахминан 407 минг м³ ёки 407 миллион литрга яқин қор ва ёмғир сувини тўплаш мумкин. Бу:

- 4070 та 100 м³ лик резервуарни тўлдиради;
- Кам деганда 300 гектар майдонни томчилигиб суғориш учун етарли;
- Энергия генерацияси, душ-ҳожатхоналар, кўкаламзорлаштириш, сув фавворалари ва техник эҳтиёжлар учун тўлиқ етарли бўлиши мумкин.


Бундай бино ва иншоотлар бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кенг кўламда барпо этилмоқда. Бунда нафақат давлат томонидан қурилатган, балки тадбиркорлик субъектларининг ҳам бино ва иншоотларида ҳам ташкил этиш ўринлидир.

Хулоса қилиб айтганда, табиий сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш катта иқтисодий самара бериши билан бирга экологик барқарорликни ҳам таъминлайди. Бу эса, иқтисодиёт учун стратегик манфаат — ресурсларни тежаш, янги иш ўринлари, экспорт салоҳияти, саломатлик ва инвестицион муҳитни яхшилашнинг энг муҳим омилidir.

Қаюм СОБИРОВ,

Собиржон ХАМРАЕВ,

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети (Phd) мустақил изланувчилари





КЕЛИН ХИЗМАТКОР ЭМАС!



«Келиним ишдан кеч келади, маошини менга бермайди», дейди бир онахон – мен ойлигимни қайнонамга тутқазардим, бирор нарса харид қилмоқчи бўлсам, у кишидан рухсат сўрардим. “Ўзбошимча, ҳеч нарсага рухсат сўраб ўтирмайди, билганидан қолмайди, ҳар замонда бир овқат қилса, телефонга қараб пиширади” ва яна бир нималар. Онахоннинг “дард”ларини охиригача эшитдим.

«Хаммаси яхши бўлади, сабр қилинг, келинингиз ҳали ёш, сиз муомалангизни тўғри қилаверинг, ҳали ўзи сизга совға-саломлар кўтариб келадиган бўлади, маошини бермаса ҳам қўнглингизни олади, деб юпатдим. Негаки, бу келинни яхши танийман — замонавий, билимдон (доктарантурани ҳам тамомлаган) чиройли ва ўзига ишонган. Битта туғиб, ишга тушиб кетган. Оилада иккинчи ва кенжа келин. Онахон катта келинини яхши “тарбиялаган” эди, кенжасини уйлантиргач, уларни бўлак қилишган.

Мен у кишига насиҳат қилолмайман, албатта. Онам тенги аёл. Лекин ўз мулоҳазаларимни сизлар билан ўртоқлашишни лозим топдим. Буни яқин атрофимдаги тақдирлар мисолида кўрсатишга ҳаракат қиламан.

Дугонам давлат ишида ишлайди, катта ташкилотда бўлим бошлиғи, келини, набиралари бор, ўзи ҳам оиласида катта келин бўлган. Оддий, зиёли оила, жуда бадавлат ҳам эмас, ўртача яшашади. Келини билан бирга яшаса ҳам унга деярли иш буюрмайди, тергамайди, маоши билан ҳам қизиқмайди. Келини ёрдам ёки маслаҳат сўраса, албатта ёрдам беради, бўлмаса йўқ. Уй-рўзғор ишларини эса вақти бўлганида ўзи ҳам қилиб кетаверади. Дейлик, кечки овқат тайёрлашми, кир ювишми, уй тозалашми, фарқи йўқ. Келини ақлли экан, деб ўйлайман доим. Ёки дугонам ақлли. Оиласида ана шундай тартибни йўлга қўя олган. Ҳамма шунга қўнган. Ўша дугонам яқинда бир янгиликни айтиб қолди. Янгилик деганимни сабаби, ўзим ҳам буни энди билдим. “Ҳафтада 2 марта овқат

буюртма қиламиз, бу уйда тайёрлаганимиздан арзонроққа тушади,” дейди. Давлат ишида ишлаб, ўртача маош олиб, рўзгорини гуллатаётган аёллар ҳам бор. Бу оила бекасига ҳам боғлиқ. Халқимизнинг турмуш даражаси ошиб бораётганини тан олиш керак. Бугун кўпчилик уйда нон пиширмайди, ярим тайёр маҳсулотларни қишлоқ дўконларидан ҳам топиш мумкин (аксарият қишлоқларда ҳам шундай). Кирни машина ювади, уйни чангюткич тозалайди. Бу ишлар АЁЛни кўп машаққатлардан озод қилган.

Бошқа бир танишим эса уйда «генерал» қайнона. Келини ҳамма ишни у айтганидек қилмаса, кутилолмайди. Уйда ҳар куни у истаган таом тайёрланиши керак, ҳамма у маъқуллаган кийимни кийиши керак, ҳатто соч учун шампунларни ҳам ўзи шахсан, танлаб сотиб олдиради. Катта келинининг бошига кўп кунларни кўрсатган — маҳаллада ҳамма у кишининг “ит” феълини яхши билади, ўғли кўчиб кетиб кутулди, энди бу келинини ҳам ўз йўриғига солмоқчи. Келини кетиб қолаверади, ўғли бориб олиб келади, яна навбатдаги жанжал, яна томоша... Бу кишининг ҳали яна бир ўғли ҳам бор, четда ишлайди ва айтишларича, уйга қайтишни истамаётган экан. Оиласидаги можаролардан хабари бўлгач, уйланиб нима қилдим, деб ўйлаётган бўлиши мумкиндир, деб ўйлаб қоласан. У кишига кизини беради-

ган мард ҳам топилмаса керак, деб ўйлаб қоламан.

Яна бир аёлни эса жуда ҳурмат қилардим. Жуда фаол, нотик ва намунали аёлдек кўринарди. Катта ташкилотда, яхши лавозимда ишларди, тадбирларда кўп кўришиб қолардик. Бор-йўғи икки ўғил фарзанди бор 2 иккаласини ҳам уйлантирган ва иккаласи билан бир ҳовлида яшашарди. Яқинда у кичик ўғлини хотини билан ажраштириб юборибди – маҳалла-қўй, танишбилишлар кўп насиҳат қилишса ҳам, ҳеч кимни гапига қулоқ солмаган. 2 болали келин йиғлаб, қарғаб кетибди, негаки у эри билан ярашишни ва яшашни истаган экан. Қайнона эса ўғлига “ё мени ё хотинингни дейсан” деб шарт қўйибди. Опа катта келини билан бир ҳовлида яшаса ҳам гаплашмас экан, анча-

дан бери. Бу гаплар маҳаллаларида катта жанжал бўлганидан кейин очилиб кетган. Тўғриси, бу гапларга ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмай тургандим, лекин ўша кичик келинини учратгач, ростлигига амин бўлдим. Болаларини ёлғиз катта қилганини билардим (эри билан ажрашган). Жуда афсус қилдим, тўғрироғи бу таниш аёлга ачиндим...Кўча хандон, уй зиндон, деган иборалар бўларди... Кексайганда шу ҳолга тушишдан асрасин, ўзи бахтсиз бўлса, бунга болалари айбдор эмас!

Бу каби гап-сўзларни доим эшитасиз, элчилик – бугун ҳеч нимани яширишнинг имкони йўқ. Бугун шундай тезкор глобаллашув замонида яшайпмизки, унга мослашмасликнинг иложи йўқ. Бу ҳаётимизга, тафаккуримизга, одатларимизга, кадриятларимизга ўз таъсирини ўтказган.

Бу ерда ўша таниш дугонамнинг тутумини, йўлини тўғрироқми, деб ўйлаб қолдим. Уларни ўз ҳолига қўйганимиз дурустмикан – бу дунёга ИНСОН бир марта келади – уруш, жанжаллар, пойғалар, мусобақалар нега керак?

Ўзимизга хос, ўзимизга мос оилавий кадриятлар ҳеч қачон эскирмайди. Бизда ҳамма оилада ўз ўрнини билиши керак – Эркак эркакдай, аёл аёлдай бўлсин! Эркак оилага бош, аёл эса унга ёрдамчи бўлгани дуруст, келин эса хонадонимиз давомчиларини дунёга келтирадиган инсон, хизматкор эмас! “Келинимни қайриб оламан, ўз йўриғимга соламан, менинг айтганим бўлади,” дейиш жоҳиллик, билимсизликдан бошқа нарса эмас! Қолаверса, бугунги ёшларни қайриб олишининг, ўз йўриғимизга солишининг ҳечам иложи йўқ! Айтганимдек, улар жуда билимдон – ҳаётда тажрибаси бўлмаса ҳам, ижтимоий тармоқлар ва бошқа замонавий технологиялар ёрдами билан бизу сиздан кўпроқ нарсаларни билишади! Уларга тенглашишга, билимни оширишга, барчасини борича қабул қилиш ва бу ҳаёт неъматларидан баҳраманд бўлиб, маза қилиб яшаган маъқул!

Нима дедингиз?

Гулчехра БЕРДИЁРОВА





ОРИЯТЛИ ВА

ОҚИБАТЛИ

МУҲАРРИР

Бир неча йил муқаддам “Хуррият” да она тилимизга бўлган лоқайдлик ҳақидаги “Қонун ҳуштагини ким чалади?” номли танқидий мақолам босилди. Шошилмай ўқидим.

Сарлавҳасидан сўнгги нуқта-сигача ўзгармаган. Қанчалик қувонган бўлсам, шунчалик ўйланиб ҳам қолдим Чунки, айрим каттаконларнинг ўзбек тилига беписандлиги қамчи остига олинган бу мақолани чоп этишга унча-мунча газета раҳбарининг юраги дов бермас эди-да.

Эртаси куни тахририятдан кўнғироқ бўлди. Бордим. Қабулхонада ўтирадиган Муҳаммадсодиқ исмли камгап йигит билан салом-алик қилиб, тинчликми, дедим. У билса ҳам билмагандек, компьютердан кўз олмай, эшитилар-эшитилмас “тинчлик” деб қўяқолди. Шу пайт Бош муҳаррир эшиги очилиб Абдурасул Жумақулов менга нотаниш бир киши билан чиқди. Саломлашдик. У меҳмонни кузатгач, мени хонасига таклиф қилди. Ҳол-аҳвол сўраб, эълон қилинган мақолам учун раҳмат айтдим. У ҳар доимгидек хотиржам ва кўтаринки руҳда кўринса-да, кўзларида аллақандай беҳаловатлик сезилар-сезилмас соя ташлаб турарди. Бир гап борлигини билиб, айбдорона оҳангда сўрадим: “Танқид тилга алоқадор юқори ташкилотлардан битта-яримтасига тегиб кетмадимикан?”

— Танқид бўлади-ю, тегмай-дими ака, — деди Абдурасул хиёл жилмайиб. — Битта-яримтаси эмас, кўпчилиги ранжиди...

— Яхши бўлмабди, — дедим мен ўзимни айбдор ҳис этиб. — Битта-иккитасини қаламга олганимда осмон узилиб тушар эканда. Сиздан узр сўрайман. Жазога тайёрман.

— Сизга бериладиган жазо шундай, — давом этди Абдурасул, — икки-уч кун ичида шу мавзуда битта ижобий мақола ёзиб берсангиз, газетанинг кейинги сониди берамиз.

Бу чиндан ҳам бошни қотирадиган “жазо” эди. Абдурасул менга қалтис ҳазил қилмаслигини ва вазият жиддийлигини тушуниб, хайрлашдим. Бироқ, на биринчи, на иккинчи куни бир қарорга келдим. Ана шундай бир пайтда БМТ Бош Ассамблеясининг 75 сессияси чақирилиб, унда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ўзбек тилида нутқ сўзлади. БМТ тарихида илк бор ўзбек тилида янграган бу нутқни диққат билан тингладим. Буюк Алишер Навоий тилининг нималарга қодирлигини бўйбаста ила намоён этган бу нутқни жаҳондаги ўзбек тилида сўзлашувчи эллик миллиондан зиёд аҳоли эшитганлиги қалбимни ғурур, фахру ифтихор туйғуларига чулғади. Ўша куниёқ “БМТ минбаридан янграган тилим” сарлавҳали мақола қоғозга тушди.

— Бу бошқа гап, — деди Абдурасул мақолани ўқиб чиққач мамнуният билан. — Лекин танқидни бўшаштирманг!

Шундан сўнг “Хуррият” да “Ўзбекмисан, ўзбек бўл!”, “Икки соатлик мактов”, “Ким кимни алдаяпти”, “Бир ҳимоянинг баҳоси” сингари ўнлаб танқидий мақолаларим эълон қилинди. Ана шу жараёнда Абдурасулнинг янгилликка интилувчан, топқир, ўз созига, ўз овозига эга ижодкорлигини янада теранроқ англадим. Шоирона айтганда, бу камтарин йигит чехрасида, кўзларию сўзларида, юриш-туришларида, ишида Сурхон воҳасига хос ва мос қайноқ тафт, майин ва ёқимли сабо, ғайрат-шижоат, одамохунлик, тантилик, содиқлигу садоқатлилик каби хислату фазилатлар барқ уриб туради. Бунини у раҳбарлик қилаётган газета саҳифаларида чоп этилаётган турли жанрлардаги ранг-баранг материалларда ҳам кўриш мумкин. Улардан Бош муҳаррирнинг нафаси келиб тургандек, гўё.

Тўғри, Бош муҳаррирнинг ташаббуси билан бошқа нашр-юки оғир, масъулияти катта. Шу боис ҳам у бекорчи эмас. Газетанинг вергулидан нуқтасигача жавобгар. Хабардан тортиб катта мақолагача неча кишининг кўлидан ўтган бўлишига қарамай, биронтасини эътиборсиз қолдирмайди-ўқийди. Таҳрир устидан таҳрир қилади. Ғализ жумлаларни силлиқлайди. Гапларнинг таъсирчанлигини оширади. Такрор сўзларни мазмунга моси билан алмаштиради. Керак бўлганда сарлавҳани ҳам ўзгартиради. Бу машаққатли иш синчковликни, тажриба ва маҳоратни, вақтни талаб қиладими? Қилади! Шунинг учун ҳам Бош муҳаррир лавозимида ишлаш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Бунини яхши билган қаламкаш э йўқ, бе йўқ Бош муҳаррир хузурига йўл олмайди. Ўзининг ҳам, Бош муҳаррирнинг ҳам вақтини қадрлайди. Абдурасулнинг бу масалада ўз қараши бор. Уни сўраб келган ижодкорлардан ўзини тортмайди — пешвоз чиқади. Бир пиёла чой узатиб, хол сўрайди-да, мақсадга ўтади. Беш-ўн дақиқа ўтиб, меҳмон хурсанд бўлганча чиқиб кетади.

Бу инсоннинг яна бир ажойиб хислати – ёшларга бўлган эътибор ва ҳимматлилигида. Ўтган йили “Хуррият” газетаси тахририятга амалиётга келган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика ва ўзбек филологияси факультети талабалари иш ўрганиш баробарида икки-учтадан мақола ҳам чоп эттирганликларидан ғоят суюниб қайтдилар. Бўлажак журналистлар билан “Хуррият” ўртасидаги ижодий ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаш ва малакали мустахассислар тайёрлаш мақсадида университет раҳбариятининг

ташаббуси билан бошқа нашрлар қатори мазкур газетага ҳам обуна сони кўпайтирилиб, ҳар ҳафта унинг йигирма беш нуқтаси журналист талабаларга етказиб берилмоқда. Қўлма-қўл ўқилаётган газета талабаларда ижодий фикрлашни ўстирибгина қолмай, материалларни таҳлил ва таҳрир қилиш, мавзу ва сарлавҳа танлаш, шунингдек жанрлар сир-асрорларини эгаллашларида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса талабаларнинг ижодий фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда.

Абдурасул Жумақул нафақат моҳир муҳаррир, балки яхши публицист, яхши адиб, яхши шоир ҳам. Унинг қаламига мансуб “Осмон бешиги”, “Ишқ боғи”, “Юракка сиғмаган гаплар”, “Йиллар ва йўллар” каби назмий ва насрий китоблари фикримизнинг ёрқин далили. Бу асарларда она юрт манзаралари, бунёдкор халқимизнинг эзгу ишлари, орзу-ўйлари, Сурхон воҳаси одамларининг кечинмалари, бетакрор табиатининг ранглирию оҳанглари гоҳ сокин, гоҳ хайқириб, гоҳ суюниб, гоҳ куюниб тараннум этилганлиги билан китобхонни мафтуну маҳлиё этмай қолмайди.

Бугун Абдурасул Жумақул айни кучга тўлган, ғайрат-шижоати жўш урган, илҳом булоғи қайнаб турган қирчиллама ёшда. Кўксига “Шухрат” медали ва “Меҳнат шухрати” ордени ярақлаб турган бу йигитнинг олтмишга қадам қўйганига ишонгим келмайди. Менинг назаримда у эндигина қирқни қаршилаган ўктам йигитга ўхшайди. Илоҳим, ҳамиша шундай кўркли, шундай ҳавасли бўлиб, эл-юрт тинчлигию фаровонлиги йўлида ҳормай-толмай от сураверсин.

Нуриддин ОЧИЛОВ





МУАССИСЛАР:

Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

Таҳрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Акмал САИДОВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Камолитдин
ИШАНХОДЖАЕВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Максуд
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-410
Адади: 2505
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.

2024 йил 2 августда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 0010-рақам билан
рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун
телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ” дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

Пенсия таъминоти тизимида эндиликда замонавий ахборот технологиялар фаол жорий этилганлиги айтилди. Бунда Президентимизнинг 2023 йил 31 октябрдаги “Аҳолига пенсия тайинлаш бўйича кўрсатиладиган давлат хизматлари сифатини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосий мезон бўлаётди.

ОВОРАГАРЧИЛИКЛАР ЎТМИШГА АЙЛАНДИ

Ушбу ҳужжатга асосан 2025 йил 1 мартдан бошлаб фуқароларга ёшга доир пенсияларни “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига кўра, тайинлаш тартиби жорий этилди. Шунингдек, 2025 йил 1 июлдан ногиронлиги бор фуқароларга ҳам уларнинг алоҳида мурожаат этмаган ҳолда практик пенсия тайинлаш жорий қилинган. Бу дегани фуқароларнинг ҳодимлар билан алоқаси камроқ бўлиб, электрон тарзда пенсия тайинлаш жорий этилмоқда. Албатта бунда коррупция ҳолатларига умуман йўл қўйилмайди.

Фуқаро тайинланган ёшга доир пенсия миқдоридан норози бўлганда ёки меҳнат фаолиятини давом эттириб, ёшга доир пенсияга кейинчалик чиқиш хоҳишини билдирган тақдирда, Пенсия жамғармаси бўлимига ташриф бюрган ҳолда ариза бериш орқали ёхуд Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат

хизматлари маркази ёки Ўзбекистон Республикасининг ЯИДХ портали орқали сўровнома тўлдирган ҳолда тайинланган пенсиясини рад қилиш ҳуқуқи берилди ва фуқаро хабарнома олгандан сўнг 10 кун ичида рад этиши мумкинлиги ҳам белгиланди. Шунингдек, Пенсия жамғармасининг вазмфаси этиб, пенсия тайинлаш рад этилган тақдирда фуқаронинг номига расмийлаштирилган мобил телефон рақамига рад этиш сабаблари, қўшимча ҳужжат тақдим қилиш муддатлари, тартиби ва қабул қилинган қарор юзасидан шикоят қилиш тўғрисида СМС хабар юбориш, агар фуқаронинг номига мобил телефон рақами расмийлаштирилмаган бўлса, пенсионерга ушбу маълумотларни унинг яшаш жойи бўйича “Ўзбекистон почтаси” АЖнинг электрон почта жўнатмаларининг ягона миллий тизими орқали етказиш ишлари Пенсия жамғармаси қарор қабул қилинган вақтда автоматик тарзда амала оширилиши

белгилаб берилди.

Кўриб турибдики, Пенсия тизими соҳасида фуқароларга хизмат кўрсатишда инсон омилини камайтириб, уларга электрон хизмат кўрсатилиши кўпайиб борса, коррупция ҳолатлари ҳам шунчалик камайиб бориши аниқ. Шунинг учун фуқароларимиздан пенсияга чиқиш учун айнан пенсия ёшига етмасдан, аввалроқ тайёргарлик кўришлари лозим. Бунда улар ишлаб келаётган бўлсалар, ўзларининг иш жойидаги кадрлар билан ишлайдиган мутахассисларга мурожаат этган ҳолда, агар ишламаётган бўлсалар ўзлари яшаб келаётган туман Аҳоли бандлигига кўмаклашуви марказига мурожаат этган ҳолда меҳнат дафтаридаги иш стажлари тўғрисидаги ёзувларнинг барчасини ЯММТ (Ягона меҳнат миллий тизим)га киритишлари лозим. Шунда уларга муаммоларсиз, ортиқча оворагарчиликларсиз бир кун ичида пенсия тайинланади.

Г. МУРАДОВА,
Иқтисодиёт ва молия
Молия вазирлиги ҳузуридаги
бюджетдан ташқари Пенсия
жамғармасининг Тошкент шаҳар
Сергели туман бўлими бошлиғи



ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИГА ХИЁНАТ

Ҳам зиёратни, ҳам саёҳатни ният қилиб Шаҳидлар хиёбонига йўл олдим. Бўзсув канали устидаги кўприқдан ўтиб хиёбон ичидаги Қатагон қурбонлари давлат музейига яқинлашганимда негадир бошқача бўлиб қолдим.

Чиройли ва бетакрор манзара. Иккита кўк гумбазли ушбу музейнинг ҳар бир бурчагида ота-боболаримизнинг қонли ўтмиши акс эттирилган. Музей икки қисмдан иборат. Бир қисми қатагон даврига мослаштирилган бўлса, иккинчи қисми ҳозирги кунларга бағишланган.

Хиёбонда ҳам худди музей ичидагидек зиёратчилар кам бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Адашибман. Саёҳатчилар кўп экан. Йўлаклар сайр қилиб юрган махрам-номахрам жуфтликларга, ёшларга тўла. Атроф гала-говур. Ёшлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб, “шайтонбазм” — “пикник” қилиб ўтиришибди. “Шайтонбазм” атамаси шунчаки “пикник” қилиб ўтирган ёшлар учун бу сўзни

қўллаш ғалати туюлиши мумкин. Лекин аждодларининг қушхонаси бўлган бу манзилда шовқин қилиш, одамлар кўз ўнгида еб-ичиб ўтиришни таърифлаш учун сўз бойлигимда бошқа сўз топилмади. Бу жой хордиқ чиқарадиган эмас, балки маънавий озуқа оладиган, бошидан “қамчи” айланмаган ҳар бир кунни кадрлаш керак эканлигини ўргатадиган маскан эмасми?

Аскар қабрининг ён томонидаги зиналардан канал қирғоғига тушдим. Кўз олдимда бўлиб ўтаётган ушбу манзарани кўрганимдан кўра, шу манзилдаги тупроққа қони тўкилган боболаримнинг ўрнига шаҳид бўлиш мен учун минг бора афзал эди. Канал бўйлаб жойлаштирилган харрактарнинг деярли бар-

часи банд. Қайсидир харрактарнинг устида эр-хотин фарзандлари билан ўтиришибди. Яна қайсидир харрактарнинг устида номахрам эр-хотинлар бўлажак фарзандлари нечта бўлишини, биринчисининг жинси қандай бўлишини, тўйида қандай кўйлак кийишини режалаштириб ўтирибди. Ахён-ахёнда бир-бирларини шундай кучоқлаб ўпишадики, гўё одам ўзини зиёратга келган зиёратчидек эмас, чимилдикда ўтирган янгадек ҳис қилади. Шу онда менда савол пайдо бўлди, биз бу хиёбонга ўзлимизни англаш учун келамизми ёки унутиш учунми? Бефаросат, орсиз ва номуссиз эканлигимизни намоён қилиш ёки эркактарнинг “ҳамияти” ўлганлигини кўрсатиш учунми? Шу жойда шаҳид

бўлганлар ҳозирда бўлаётган ушбу ҳолатларни кўрганида нима қилган бўларди? Авлодларим, эрким, гурурим деб кафансиз, жанозасиз, ном нишонсиз қони тўкилганлар бу ёшлар учун жон берганларидан афсусланмайдими? Ватаннинг ҳар бурчаги ватан деймиз. Ватан бу киндик қоним тўкилган тўкилган тупроқ деймиз. Ватаннинг у бурчаги киндик қони эмас, ўлим қони тўкилган тупроқ эканлигини нега тушунмаймиз. Нега ўргатмаймиз?

Ўтмишини унутган халқ — ўз илдизини кесган дарахтга ўхшайди. Биз илдизига болта ураётган дарахтмизми ёки аллақачон қуриганими? Биз бундай муқаддас жойларга муносибмизми? Бундай улуг ота-боболарнинг тўкилган томчи қонига арзиймизми?

**Отабек ҚУРБОНБОЕВ,
ЎзЖОКУ талабаси**



БРОНХИАЛ АСТМА НЕГА КўПАЙМОҚДА?

Мутахассис минбари

Ҳозирги кунда экологик муаммолар инсон саломатлигига жиддий хавф туғдираётган омиллардан бири ҳисобланади. Айниқса, болалар организми ташқи муҳит таъсирига жуда сезгир бўлгани сабабли экологик ўзгаришлар уларнинг соғлиғига бевосита таъсир кўрсатади.

Сўнгги йилларда болалар орасида нафас йўллари касалликлари, хусусан бронхиал астма билан касалланиш ҳолатлари ортиб бормоқда. Бронхиал астма — бу сурункали яллиғланиш билан кечувчи касаллик бўлиб, нафас қисилиши, йўтал, хириллаш ва кўкракда сиқилиш ҳисси билан намоён бўлади.

Экологик омиллар бронхиал астма ривожланишида асосий рол ўйнайди. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши — автомобиль газлари,

саноат чиқиндилари, чанг ва тутун — нафас йўллари доимий равишда зарарлайди. Бу эса бронхларнинг гиперсезгирлигини ошириб, астма хуружларини кўзгатади. Айниқса, майда чанг зарралари (PM2.5 ва PM10) болалар ўпкасига чуқур кириб бориб, яллиғланиш жараёнини кучайтиради. Натижада нафас олиш қийинлашади ва касаллик тез-тез қайталади. Уй шароитидаги экологик омиллар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чанг, уй ҳайвонлари жунлари, моғор, тамаки тутуни ва маиший кимёвий воситалар болаларда

аллергик реакцияларни кучайтириб, бронхиал астма ривожланишига ёки унинг оғирлашишига олиб келади.

Бронхиал астма нафақат жисмоний, балки психоэмоционал ҳолатга ҳам таъсир қилади. Доимий нафас қисилиши ва хуружлардан кўркув болаларда хавотир, асабийлик ва уйку бузилишига сабаб бўлади. Бу эса боланинг умий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Педиатрия нуқтаи назаридан, бронхиал астмани даволашда комплекс ёндашув зарур. Бу фақат дори-дармон билан чекланмайди, балки экологик омилларни камайтириш ҳам муҳим ҳисобланади.

Касалликнинг олдини олиш ва назорат қилиш учун қуйидагиларга эътибор бериш зарур:

- тоза ва шамоллатилган муҳитни таъминлаш;
- ҳавони ифлослантирувчи омиллардан ҳимояланиш;
- аллергияларни камайтириш (уй чанги, моғор, тутун);
- соғлом турмуш тарзини шакллантириш.

Хулоса қилиб айтганда, экология ва бронхиал астма ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш орқали биз болалар орасида нафас йўллари касалликларининг камайишига эришишимиз мумкин. Соғлом экология — соғлом келажак гаровидир.

**М. МИРРАҲИМОВА,
Тошкент давлат тиббиёт университети
Болалар касалликлари кафедраси
профессори**